



2018 у.г. « 28 » июнь

№ 417-Қ

Самарқанд ш., – г. Самарқанд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 22 июндаги 463-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 22 июндаги 463-сонли қарори жросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 22 июндаги 463-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг автойўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдор нормалари иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясига, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан Интернет ахборот тармоғини кенг жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини мунтазам ҳамда ҳар томонлама ёритиш тавсия этилганлиги;

Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириши;

Ушбу қарор 2018 йил 1 июлдан кучга киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят божхона бошқармаси (Э.Салихов) вилоятнинг давлатлар билан чегарадош ҳудудлари божхона пунктларида мазкур қарор билан тасдиқланган, божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтиш бўйича қатъий назорат ўрнатсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Худайбердиев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Т.Джураев

Вилоят ҳокимининг 2018 йил “28” июндаги

“ 417-” Қ-сонли қарорига илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

22 июндаги 463-сон қарори

билан тасдиқланган

**Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автотўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдор нормалари\***

№	Товарнинг номи	Сони	Даврийлик
1.	Совутгич	1 дона	1 календарь ой
2.	Музлатгич	1 дона	1 календарь ой
3.	Кондиционер	1 дона	1 календарь ой
4.	Кир ювиш машинаси	1 дона	1 календарь ой
5.	Чанг ютгич	1 дона	1 календарь ой
6.	Газ плитаси	1 дона	1 календарь ой
7.	Электр плита	1 дона	1 календарь ой
8.	Телевизор	1 дона	1 календарь ой
9.	Микротўлқинли печь	1 дона	1 календарь ой
10.	Духовкали печь	1 дона	1 календарь ой
11.	Электр гўшт қиймалагич	1 дона	1 календарь ой
12.	Дазмол	1 дона	1 календарь ой
13.	Фен	1 дона	1 календарь ой
14.	Ошхона комбайни	1 дона	1 календарь ой
15.	Телефон аппарати, шу жумладан қўл телефони	1 дона	1 календарь ой
16.	Компьютер техникаси	1 дона	1 календарь ой
17.	Принтер ва кўп функцияли офис курилмаси	1 дона	1 календарь ой
18.	Планшет компьютер	1 дона	1 календарь ой
19.	Ноутбук	1 дона	1 календарь ой
20.	Ошхона идиши	1 тўплам	1 календарь ой

№	Товарнинг номи	Сони	Даврийлик
21.	Бошқа товарлар**	хар бир номдаги товардан 2 кг, аммо умумий оғирлиги 10 кг.дан ошмаслиги керак	1 кун

*\*) Ушбу товарлар қиймати республикага жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автойўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтзиши пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни олиб ўтишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорида белгиланган чекланган нормаларга киритилади.*

*Товарларни божхона тўловлари тўламасдан олиб ўтишининг миқдор нормалари жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ўтказиши пунктдан белгиланган даврда фақат биринчи марта ўтишида қўлланилади. Чегара хизматлари органлари томонидан жисмоний шахснинг божхона органига тақдим этиладиган паспортига қўйладиган белги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиши пунктдан ўтишини аниқлаш учун асос ҳисобланади.*

*Юқорида қайд этилган ҳар қандай товарни белгиланган норма ва/ёки даврийликдан ортиқ олиб ўтилганда белгиланган тартибда божхона тўловлари ундирилади.*

*\*\*\*) Ушбу тоифага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сонли қарорига 1-иловада белгиланган товарлар кирмайди.*